

ШАРТНОМАСИ

29.06.2022 й.

27-сон

Зиёвуддин ш.

Кейинги ўринларда "Сотувчи" деб аталадиган "SHERXON MALIKA SAVDO 2021" МЧДЖ номидан А.Ишпулатов (устав) орқали бир томондан, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб аталадиган Пахтачи тумани хокимлиги иккинчи томондан _____ куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Шартномада товар деб номланувчи куйидаги хизмат:

№	Товар номи	Ул.бир.	Миқдори	Нархи	Суммаси
1.	Телевизор	Дона	14	3 100 000	43 400 000
2.	Тефал	Дона	24	80 000	1 920 000
3.	Термопод	Дона	25	350 000	8 750 000
	Жами	X	X	X	54 070 000

иккала тараф ўртасида тузилаётган шартноманинг предмети ҳисобланади.

1.2. Кафолат муддати товар сотиб олувчига топширилган пайдан, товар алмаштирилганда эса янгидан ўта бошлайди.

1.3. Жами 54 070 000 (Эллик турт миллион етмиш минг) сўм. Товар ҳақи шартнома тузилган пайтда тўланиши лозим.

1.4. Агар товардан фойдаланилмаган, унинг истеъмол хусусиятлари сақланган бўлса ва сотувчидан сотиб олинганининг исботи бўлса, сотиб олувчининг товарни алмаштириш ёки қайтариб олиш ҳақидаги талаби каноатлантирилади.

1.5. Сотиб олувчи ўзига товар топширилган пайдан бошлаб ўн кун мобайнида харид қилинган тегишли сифатли товарни харид жойида ўлчамни, шакли, ҳажми, андозаси, ранги, тўплами бошқача бўлган худди шундай товарга алмаштириши мумкин. Бунда у нархларда фарқ бўлган тақдирда сотувчи билан зарур ҳисоб-китобни амалга оширади. Агарда сотувчида алмаштириш учун зарур товар бўлмаганида сотиб олувчи харид қилинган товарни сотувчига қайтариб бериш ва унга тўланган пул суммасини олиш ҳуқуқига эга.

1.6. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, уларнинг ҳар бири бир хил кучга эга.

1.7. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30% тулаш, қолган 70% қисмини махсулотни қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун давомида тулаш йўли билан амалга оширилади

2. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Сотувчининг ҳуқуқлари:

- сотилган товар ҳақини тўлашни;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш.

2.2. Сотувчининг мажбуриятлари:

- сотиб олувчи талаб қилган ҳолларда товар тўғрисида унга зарур ва тўғри ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ёки чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда бериш;
- товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;
- учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топшириш;
- товарни шартномада кўрсатилган ассортиментда топшириш;
- товарни мансуб ашёлари ва тегишли ҳужжатлари билан бирга топшириш;
- шартномада кўрсатилган бут товарни топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни сотиб олувчига идишда ёки ўралган ҳолда топшириш;
- товарни сотиб олувчига топширгунга қадар сақлаш.

2.3. Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:

- товар тўғрисида зарур ва тўғри ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ёки чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда беришни;
- шартнома тузилгунга қадар товарни кўздан кечириш, ўз олдида товарнинг хоссаларини текширишни ёки товардан қандай фойдаланишни кўрсатишни;
- сотиб олаётган товарни ўзига мулк қилиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топширишни;

- товарни шартномада кўрсатишган ассортиментда топширишни;
- товарни мансуб ашёлари ва тегишли ҳужжатлари билан бирга топширишни талаб қилиш.

2.4. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

- сотиб олган товар ҳақини ўз вақтида тўлаш;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олиш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;
- сотувчига етказилган зарарни қоплаш;
- сотувчи томонидан товарни сақлаш учун қилинган зарур харажатларни тўлаш.

Сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, ассортименти, сифати, бутлиги, идиши ва Уралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум қилиши шарт.

3. Шартнома бўйича жавобгарлик

3.1. Агар сотиб олувчига унинг талабига кўра сотиш жойида дарҳол товар тўғрисидаги ахборотни олиш имкони берилмаган ёхуд унинг товарни кўздан кечирish, товарнинг хоссаларини текшириш ёки товардан фойдаланишни кўрсатишни талаб қилиш ҳуқуқи таъминланмаган бўлса, у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асосиз бош тортишгани туфайли ўзи кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб қилишга, агар шартнома тузилган бўлса, оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани қайтаришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Сотиб олувчига товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар сотиб олувчига топширилганидан сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун ҳам, агар сотиб олувчи бу камчиликлар ўзида бундай ахборот бўлмагани сабабли пайдо бўлганини исботласа, жавобгар бўлади.

3.2. Агарда товар сотиб олувчига идишсиз ва ўрамаган ҳолда ёки тегишли идишга жойламаган ва тегишли даражада ўрамаган ҳолда топширилган тақдирда, сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва ўрашни алмаштиришни талаб қилиш ёки бу талабларни қўйиш ўрнига ушбу шартноманинг 3.3-банди биринчи қисмидаги талабларни қўйишга ҳақли.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 434-моддасига кўра сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қоплашнинг;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтида сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши ёъқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

3.4. Сотувчи шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчининг мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

3.5. Агарда сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, ассортименти, сифати, бутлиги, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум қилмаса, сотувчи шартлар бузилганлиги натижасида келиб чиқадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

4. Форс-мажор ҳолатлар

4.1. Сотувчи форс-мажор ҳолатлар (мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тўсқинлик қилувчи енгиб бўлмас куч таъсири: электр ўчиши натижасида юзага келадиган куйиш, товар етказилаётган пайтда содир бўлган тасодифий шикастланиш, ёнгин чиқиши, сув тегиши натижасида бузилиши ва бошқа ҳолатлар) натижасида юзага келадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

4. Тарафларнинг реквизитлари

«СОТУВЧИ»
"SHERXON MALIKA SAVDO 2021" МЧЖ
Манзил: Пахтачи тум. Жаҳонобод МФЙ
р/с: 20208000205322130001

Банк: Ўзбекистон Республикаси
«SHERXON MALIKA SAVDO 2021»
Манзил: Пахтачи туман филиали
Кўрсаткич: 00723
ИНН: SA1206845960024, ОКЕД: 871181
Подписи: А.Ишпулатов

«СОТИБ ОЛУВЧИ»
ПАХТАЧИ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ
Манзил: Пахтачи тум. Истиклол
ШХР: 305022860182307109601018001
Банк: Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар
филиали
Код банка: 00014
ИНН: 200770242, ОКЕД: 97200
Подписи: В.Ҳажимов



Туман ҳокимлигига маиший техникалар олиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши
БАЁНИ

Пахтачи тумани

«29» июн 2022 й.

Раислик қилувчи
ўринбосари

А.Кулдошев Комиссия раиси, туман ҳокимининг

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Ш.Нодиров	Комиссия аъзоси, туман ҳокимлиги бош мутахассиси
Э.Санакулов	Комиссия аъзоси, туман Ёшлар ишлар агентлиги
З.Нормуминов	Комиссия аъзоси, туман ҳокимлиги бош мутахассиси
У.Халилов	Комиссия аъзоси, хужалик ишлар мудир
Н.Суванов	Котиб, туман ҳокимлиги бош хисобчиси

КУН ТАРТИБИ:

Туман ҳокимлигига маиший техникалар олиш бўйича.

(А.Кулдошев, Э.Санакулов, А.Кулдошев)

Туман ҳокимлиги томонидан 2022 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига байрам тадбирлари учун туман ҳокимлигига маиший техникалар олиш бўйича №109639-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 29 июндаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган баённомасига асосан мазкур эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан ООО "SHERXON MALIKA SAVDO 2021" корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига

асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ҳокимлик бош ҳисобчиси Н.Сувановга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 29 июндаги электрон баённомасига асосан ғолиб ООО “SHERXON MALIKA SAVDO 2021” корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Хужалик ишлар мудир У.Халиловга махсулотларнинг сифат даражаси назорат қилсин.

Йиғилиш баёнини ёзиб борди



Н.Суванов